БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 199 (1461) | 9 октябрь, жума, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Яшасин жаҳон социализм системаси! Социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг улуғ ҳамкорлиги мустаҳкамлансин ва яшнасин!

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

## Партия контролининг янги ташкилий формалари

Контроль қилиш ва ижрони текшириш масалалари ҳозирги шароитда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам партия XXI съезди етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун омманинг ташаббуси ва ижодий фаолиятини бутун чоралар билан ривожлантириш, меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришда актив иштирок этишларини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг партия контролининг янги формалари тўғрисидаги қарорида уқтириб ўтилганидек, контроль комиссияларининг асосий вазифаси—корхонанинг ишлаб чиқариш топшириқларини, давлат заказларини ва бутун номенклатура бўйича юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ўз вақтида бажариши устидан мунтазам назорат ўрнатишдан, техникани тараққий эттиришдан, барча ходимларнинг давлат интизомига оғишмай риоя қилишларини кузатиб туришдан иборат.

Шу кунинг талабини ўзида акс эттирган бу қарорни барча коммунистлар қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ҳозирги вақтда областимизнинг кўпчилик саноат корхоналари, транспорт, қурилиш, савдо ташкилотлари, конструкторлик бюролари ва илмий-текшириш институтларида давлат ва халқ манфаатини чуқур англайдиган, принципиал, саботли коммунистлардан иборат маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи комиссиялар тузилмоқда.

Электроламп заводи областимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу корхона партия ташкилоти ҳузурида давлат заказларининг бажарилишини контроль қилиш юзасидан ташкил этилган комиссия (раиси Ўртоқ Бочарова) аъзолари 33-цехдаги аҳвол билан атрофлича танишиб чиқдилар. Текшириш шуни кўрсатдики, маъмурият эски ускуналарни янгилари билан алмаштирган бўлса ҳам, уни ишлата оладиган кадрлар тайёрлаш масаласи билан шуғулланмаган. Натижада ишчилар янги ускуналарни бошқара олмаганлар ва цехда план бажарилмай қолган. Комиссия бу масалани завод партия бюросининг муҳокамасига қўйгандан кейингина, янги ускуналарни тезроқ ўзлаштириб олиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, ҳозир цех коллективи давлат планини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Лекин айрим жойларда, жумладан каноп йигирув фабрикаси ва «Чудорстрой» партия ташкилотлари контроль комиссияларини тузишга ҳанузгача киришмаганлар, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи ва Бекобод металлургия заводи партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган контроль комиссиялари эса ҳали амалий иш бошлаганлари йўқ. Бу, комиссияларнинг ролига етарли баҳо бермасликдан бошқа нарса эмас.

КПСС Уставида ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотларидаги бошланғич партия ташкилотларига маъмурият фаолияти устидан контроль қилиш ҳуқуқи берилган. Аммо бу контроль қай тартибда амалга оширилиши ва у нималардан иборат эканлиги Уставда аниқ кўрсатилмаган. Шу туфайли кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан етарли даражада фойдаланмадилар. Контролнинг шу кунгача амалда бўлиб келган ташкилий формалари ҳозирги янги талабларга тўла жавоб бермаётганлигини тажрибанинг ўзи кўрсатмоқда. Чунки, мавжуд партия контроллиги асосан хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитишдангина иборат бўлиб, кўпинча корхонадаги ҳақиқий аҳволни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятини бермайди.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқариш топшириқларининг ўз вақтида бажарилиши, давлат заказлари ва бутун номенклатура бўйича юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириқларининг муддатида ado этилиши устидан мунтазам назорат қилиш, техника прогресси учун кураш, корхоналардаги барча ходимлар томонидан давлат интизомига риоя қилинишини системали кузатиб туриш, маҳаллийчилик ва консерватизм кўринишларига қарши кураш олиб бориш комиссиялар фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим.

Бироқ, комиссияларни ташкил этиш вақтида ва уларнинг иш фаолиятида комиссиялар тўғрисидаги Низомга қатъий риоя қилиниши, маъмуриятнинг ўрнини босишга уриниш, фармойишлар бериш, бу билан яккабошчилик принципининг бузилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Контроль комиссияларнинг ўз фаолиятларида корхона маъмурияти билан амалий алоқа ва тўғри муносабатда бўлишлари ҳамда комиссиялар ишининг тўғри ташкил этилиши партия ва хўжалик органларига камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, давлат планлари ва топшириқларини муваффақиятли бажариш имконини беради.

## Пахта далаларининг илғорлари

Урта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси ўртоқ Назира Ёдгорова ҳар куни хирмонга 250-300 килограммдан пахта тўкаётир. 7-бригада аъзолари унинг тажрибаларини қўллашиб, пахта териб давлатга топширишда колхозда илғорликни эгаллаб келмоқдалар. Суратда: ўртоқ Н. Ёдгорова.

М. Шевелев фотоси.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбек ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Мамуд Катаманов бу йил 80 тонна пахта теришга сўз берган эди. У кунига 5-6 тоннадан пахта теришга эришиб, шукунгача олган мажбуриятини бажарди. Энди у яна 50 тонна пахта териш юзасидан янги мажбурият олди. Суратда: ўртоқ М. Катаманов.

О. Косирев фотоси.

4-«Вревский» совхозининг ўртоқ Файзулла Дўсматов бошлиқ бригадасида социалистик мажбурият ҳисобига пахта териб топширилаётир. Теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақада ўртоқ Тошхон Содиқова олдинда бормоқда. У кунига 180-200 килограммдан пахта тераётир. Суратда: ўртоқ Т. Содиқова.

З. Қуртнезиров фотоси.

## Совхоз коллективининг ғалабаси

**«Бўка» совхозининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч оттириб, 8 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини 100,11 процент қилиб бажардилар. Давлатга ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 2077 тонна ортиқ пахта ҳосили топширилди.**

**Умумий майдоннинг 92 процентида ғўза кетмонсиз парвариш қилинди. Натижада 1400 гектар ерда мўл ҳосил етиштирилди.**

**Совхоз пахтакорлари машина теримига ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар. Шу кунгача йиғиб олинган 2800 тонна ҳосилнинг салкам 700 тоннаси машинада терилди. Мавжуд ички имкониятлар ҳисоблаб чиқилиб яна 1700 тонна пахта ҳосили тайёрлаш ва шу йўл билан ҳосилдорликни 32 центнерга кўтариш мажбурияти олинди.**

**Ҳозирги кунда совхозда даладаги пахта ҳосилини жадал суръатлар билан йиғиштириб олиш ва келгуси қишлоқ хўжалик йилига пухта тайёргарлик кўриш ишлари бир-бирига қўшиб олиб борилаётир.**

## Кунига 2—2,5 процентдан

Ўртоқ Тоғаймурод Назаров бир неча йиллардан бери Охунбобоев номли колхознинг пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келаётир. Бригада аъзолари бу йил 110 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилдорликни 45 центнерга кўтариш мажбурияти олинди. Шу кунларда пахтакорлар эрта тонгда далага чиқиб, кеч қайтишиб, баракали меҳнат қилишаяпти. Ҳар бир теримчи бир кунда ўртача 110-120 килограммдан пахта тераётир.

Бригадада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Ажратилган ҳамма киши теримга қатнашмоқда. Натижада ҳозиргача йиллик планнинг салкам 60 проценти миқдорида пахта терилиб, давлатга сотилди. Шу кунларда бир кунда терилган пахта ўрта ҳисобда 2-2,5 процентни ташкил этаётир.

С. ТУРДИЕВ,
Сирдарё райони.

## Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар

| Колхозлар, совхозлар ва бригадалар | Қўшимча олган мажбурияти (тонна ҳисобида) |
|---|---|
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **А. Убайдуллаев** бошлиқ бригадаси | 100 |
| Бўка районидаги Ильич номли колхознинг ўртоқ **Д. Сафаров** бошлиқ бригадаси | 40 |
| Бўка районидаги «Ленинобод» колхозининг ўртоқ **А. Йўлдошев** бошлиқ бригадаси | 80 |
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **Н. Шокиров** бошлиқ бригадаси | 85 |
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **А. Ўрозбеков** бошлиқ бригадаси | 121 |
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **Г. Малишеев** бошлиқ бригадаси | 108 |
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **Донишев** бошлиқ бригадаси | 75 |
| Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ўртоқ **Б. Султонов** бошлиқ бригадаси | 93 |

## Охунбобоев номли колхоз планни бажарди

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Давлатга гўшт, сут, тухум, тери, пилла ва ғалла сотиш планлари муддатидан илгари бажарилган эди. Пахтакорлар 7 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини ҳам ортиғи билан бажардилар. 450 гектар майдондан пландаги 815 ўрнига 830 тонна пахта ҳосили йиғиб олинди. Бунинг 780 тоннаси биринчи сортга топширилди.

Колхоз аъзолари ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан яна 10 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш ва бу вазифани 1 ноябргача бажариш мажбуриятини олдилар. Колхознинг Миср Ортиков, Зиёҳўжа Қорахўжаев, Низом Исомиддинов ўртоқлар бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 20—21 центнердан ҳосил териб олиб, йиллик планларини анча ошириб ado этдилар. Бу бригадаларнинг аъзолари ҳар гектар ердан яна 10—12 центнердан ҳосил йиғиб олишга қарор қилдилар.

Бу йил колхоз бошланғич партия ташкилоти, барча коммунистлар пахта ҳосилдорлигини ошириш ишига моҳирлик билан бошчилик қилдилар. Ўнбешмингчилар ҳаракати кучайтирилди. Илғор теримчилар рағбатлантириб турилди. Илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилди.

Ҳозир хўжаликда келгуси қишлоқ хўжалик йили учун тайёргарлик ҳам бошланиб кетди. Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб 15 декабргача барча пахта майдонини сифатли қилиб шудгорлаб қўйиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. АБУБАКИРОВ,
Ж. ХОЛМАТОВ.

## Шу ҳам ёрдамми?

Туш пайти. Теримчилар пахталарини хирмонга олиб чиқмоқдалар.

— Юр, Борис, — деди Виктор Ким ғўзалар соясида ётган дўсти Борис Лига, — биз ҳам овқатга чиқайлик.

— Шарт шуки, овқатдан сўнг чўмилишга борамиз.

— Боришим мумкин. Терган пахтам 5—6 килограммча бўлиб қолди, лекин сен ҳеч терганинг йўқ-ку.

— Қўявер, дўстим, мен бугун бир килограмм ҳам термасликка қарор қилганман...

Борис Ли айтганини қилди, кун бўйи бирон грамм ҳам пахта термай, соя-салқин ерларда ётди, тентиб юрди.

Шу куни Бориснинг ўртоқлари Г. Хребин 3 килограмм, В. Пашвин ва В. Кимжар 9 килограммдан пахта тердилар. Бошқаларнинг иш натижаси ҳам бундан яхши эмас эди.

Бу дангасалар кимлар? Улар 47-автобазанинг Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозига ёрдамга келган ишчиларидир.

Колхоз аъзолари йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, мўл «оқ олтин» етиштирдилар. Уни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун колхозга қўшимча равишда ёрдамчи кучлар сафарбар этилди — 47 автобазадан, райондаги Қум қишлоқ Совети қасалхонасидан, Тошкентдаги тери-мўйна заводи, 2-тикувчилик фабрикасидан ҳаммаси бўлиб 300 киши ажратилди. Аммо бу корхона ва муассасалар раҳбарларининг айби билан теримга чиқиши лозим бўлган ишчи-хизматчиларнинг бир қисми теримда иштирок этмаётир. Колхозда фақатгина 165 ёрдамчи пахта тераётир. Жумладан, 47- автобаза коллективидан 25 киши ўрнига 11 киши, касалхона ходимларидан 12 ўрнига 2 киши, тери-мўйна заводидан 100 киши ўрнига 75 киши теримга қатнаб, кунига ўртача 10—12 килограммдан пахта топширмоқдалар.

Ҳамма ишни ташлаб, етиштирилган мўл ҳосилни териб олиш учун пахтакорларга «ёрдамга» чиққан бу ўртоқлар наҳотки ўз ватанпарвардик бурчларини тушунмасалар?!

Г. НУРУЛЛАЕВА,
О. ҒУЛОМОВА.

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

## Ўзбек адабиёти классиги Зокиржон Фурқатга Тошкентда ҳайкал қурилиши тўғрисида

Ўзбек адабиёти классиги, демократ шоир Зокиржон Фурқат туғилган кунинг юз йиллиги муносабати билан ҳамда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида, Чиланзор массиви майдонида ўзбек адабиёти классиги, демократ шоир Зокиржон Фурқатга ҳайкал қуриш ва бу майдонга Фурқат номини беришга қарор қилди.

Зокиржон Фурқатга ҳайкал проектини тузиш учун очиқ конкурснинг программа-шартлари ҳамда конкурс жюрисининг состави тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига юбилей кунларида Фурқат номидаги майдонда: «Бу ерда ўзбек адабиёти классиги, демократ шоир Зокиржон Фурқатга ҳайкал қурилади» деб ёзилган мармар лавҳа ўрнатиш таклиф этилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Архитекторлари союзи томонидан ўтказиладиган очиқ конкурснинг программа-шартларига кўра, конкурсда ҳамма истаган кишиларнинг қатнашиши мумкин.

Ҳайкалнинг баландлиги тик турган фигура учун — 8 метр, ўтирган ҳолдаги фигура учун—7 метр белгиланди. Ҳайкал ҳар томондан кўрининб туриши лозим. Унинг архитектурасида ўзбек халқ амалий санъати элементлари акс эттирилган бўлиши керак. Конкурс қатнашчиларига ҳайкални ҳар қандай композицияда тузиш ҳуқуқи берилади, лекин композиция марказида Фурқат образи бўлиши шартдир.

Энг яхши проектлар учун қуйидаги миқдорда учта мукофот белгиланди: биринчи мукофот — 10 минг сўм, иккинчи мукофот — 7 минг сўм ва учинчи мукофот — 4 минг сўм.

Проектларда майдончанинг бош плани, ҳайкалнинг саҳнлари ва плани, унинг модели, шунингдек материалларнинг, конструкциясининг тасвири бўлиши ҳамда иншоотнинг тахминий баҳоси кўрсатилиши лозим.

Проектлар ҳамма иловалари билан бирга девиз остида Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 1960 йил 31 мартдан кечиктирилмай топширилади.

Проектлар мукофотлар берилгунча ҳамманинг кўриши учун кўрсатилади.

Конкурсга доир ҳамма масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига (Тошкент, Навоий кўчаси, 30) ва Ўзбекистон Архитектура союзига (Тошкент, Инженерная кўча, 7) хат билан мурожаат қилиш мумкин.

## Ўртоқ Н. С. Хрушчев Иркутск ва Братскда

ИРКУТСК, 7 октябрь. (ТАСС). Бугун Иркутскнинг мингларча меҳнаткашлари Хитой Халқ Республикаси сафаридан қайтиб келаётган ва Приморье ўлкасида бўлган азиз меҳмонни — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни кутиб олмоқ учун аэропортга келдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «ИЛ-18» самолёти трапида пайдо бўлиши гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Сибирликлар меҳмонни қизғин табрикладилар. У, кутиб олаётганлар билан самимий саломлашди.

Н. С. Хрушчев аэродромдан Иркутск ГЭС тўғонига борди. Н. С. Хрушчев бу ерда гидроузел билан танишди, машина залида, бошқариш пульти ёнида бўлди. У, ГЭС дан кетаётиб қурилишнинг муваффақиятли тамомланганлиги билан гидростанция қурилишининг бошлиги А. Е. Бочкинни табриклади.

Н. С. Хрушчев шу куниёқ дунёда энг йирик Братск ГЭС қурилишига борди. Қурилишнинг бош инженери А. М. Гиндин қурилиш-монтаж ишларининг бориши, энг янги ватан машиналари ва механизмлари қўлланилаётганлиги тўғрисида гапириб берди.

Н. С. Хрушчев гидроузелдан Постоянная посёлкасига борди. Бу ерда аҳоли томонидан самимий кутиб олинган Н. С. Хрушчев гидроқурувчилар билан самимий суҳбатлашди.

## СССР Олий Совети делегацияси Индонезияга жўнаб кетди

СССР Олий Совети делегацияси «ТУ-104» махсус самолётида 8 октябрда Москвадан Деҳли орқали Жакартага жўнаб кетди. Делегация, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов бошчилик қилмоқда.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари Ф. А. Баранов, И. Д. Яковлев, В. П. Дикань, Н. Зарипова, Я. Н. Заробян, В. И. Клаусон, Г. М. Мусрепов, Е. Г. Сорочан, Н. И. Смирновлар бор.

Совет парламент аъзолари Индонезияга Индонезия Республикаси парламентининг таклифига мувофиқ жавоб визити билан борадилар. (ТАСС).

## Индонезияга кетаётиб

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов бошчилигида Индонезияга жўнаб кетаётган СССР Олий Совети делегацияси «ТУ—104» самолётида 8 октябрда Тошкентга келди. Делегация составида СССР Олий Совети депутатлари Ф. А. Баранов, И. Д. Яковлев, В. П. Дикань, Н. Зарипова, Я. Н. Заробян, В. И. Клаусон, Г. М. Мусрепов, Е. Г. Сорочан, Н. И. Смирновлар бор.

Н. А. Муҳитдиновни ва делегациянинг бошқа аъзоларини М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, Т. Қамбаров, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, М. В. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, С. А. Азимов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ҳ. Турсунқулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ҳ. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, республика министрлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари кутиб олдилар.

Бироз дам олганидан кейин Н. А. Муҳитдинов республика партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг ҳамроҳлигида Тошкент областининг бир қанча қишлоқ районларида бўлди.

Чиноз районидаги Киров номли колхозда Н. А. Муҳитдинов республикадаги донгдор механизатор Турсуной Охунова бошқараётган ХВС—1,2 пахта териш машинасининг қандай ишлашини кузатиб турди. Агрегатнинг ҳайдовчиси янги техникани мақтаб гапирди ҳамда уни маҳорат билан ишлатганда машина юқори унум бериши ва пахтани етарлик даражада яхши сифатли йиғиб-териб олиши мумкинлигини таъкидлади. Турсуной Охунова терим бошлангандан буён 100 тоннага яқин пахта тергалигини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўладиган Пленуми шарафига ўзининг мавсумдаги иш унумини 200 тоннагача етказишни мўлжаллаётганлигини айтди.

Н. А. Муҳитдинов Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчисидек мураккаб касбни эгаллаб олган аёл колхозчини самимий табриклади. Ўнга меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз аъзолари СССР Олий Совети делегациясининг раҳбарини самимият билан кутиб олдилар. Н. А. Муҳитдиновга пахтакорлар Улуғ Октябрь 42 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг бўладиган Пленумини давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажариш билан ҳамда олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан нишонлашга ҳаракат қилаётганликларини сўзлаб бердилар.

Н. А. Муҳитдинов пахтакорларга йиғим-терим кампаниясини тез орада тамомлашга қаратилган, янги қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик ишларини ўз вақтида ўтказишга қаратилган бир қанча маслаҳатлар берди.

СССР Олий Совети делегацияси аъзоларининг бир группаси Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлди ҳамда бу ерда пахтани машинада териш билан танишди ва колхознинг маданий-маиший муассасаларини кўздан кечирди. (ЎзТАГ).

## УЧИНЧИ СОВЕТ КОСМИК РАКЕТАСИ ПАРВОЗДА

### ТАСС ахбороти

**7 октябрь соат 20 да учинчи совет космик ракетаси ўз ҳаракатини давом эттириб, Илондор юлдузлар туркумининг Дзета юлдузи яқинида бўлиб, минус 11 градус 36 минут оққан ҳолда, 16 соат 31 минут 37 секунд тик кўтарилиб борди.**

**Космик ракета ҳаракатини мувофиқлаштириш-ҳисоблаш марказида ўлчаб аниқлаш шуни кўрсатдики, планеталараро автоматик станция белгиланган орбита бўйлаб ҳаракат қилишни аниқ давом эттирмоқда.**

**Планеталараро автоматик станция Ойга энг яқин масофа нуқтасига етиб, Ойни айланиб ўтиб, Ердан ва Ойдан узоқлашишда давом қилмоқда. 7 октябрь соат 20 да планеталараро станция билан Ой ўртасидаги масофа 126 минг километрни, планеталараро станция билан Ер ўртасидаги масофа эса 417 минг километрни ташкил қилди.**

**Планеталараро автоматик станция яна ҳаракат қила борган сари унинг Ердан узоқлашуви давом эта бериб, 10 октябрда 470 минг километрга тенг бўлган энг узоқ масофага етади. Шундан сўнг планеталараро станция Ерга яқинлаша бошлайди ва 18 октябрда Ер атрофидан шимолдан жанубга томон ўтади. Планеталараро станция билан Ер юзаси ўртасидаги энг яқин масофа қарийб 40 минг километр бўлади.**

**Планеталараро автоматик станция билан 6 октябрда ўтказилган навбатдаги алоқа сеансида Ер юзидаги телеметрик станциялар олган маълумотлар илмий ўлчов аппаратлари, иссиқликни тартибга солиб туриш системаси ва қувват манбаи системаси нормал ишлашда давом этаётганлигини кўрсатди.**

**Ўлчов маълумотларини ҳамда ҳаракат параметрларининг ўлчов маълумотларини Ерга юборишнинг навбатдаги сеанси 8 октябрда Москва вақти билан соат 17 дан 18 гача ўтказилади.**

## Мисли кўрилмаган воқеа

Учинчи совет космик ракетасининг Ой томонга парвоз қилиши инсоният томонидан космосни эгаллаш соҳасида қўйилган янги қутлуғ бир қадам бўлди. Бу совет фанининг, коинот сирларини ўрганиб бораётган инсон тафаккурининг янги, мислсиз ва улуғ ғалабасидир.

Бу муборак қадамнинг совет олимлари томонидан қўйилганлиги қалбларимизни ифтиҳор хислари билан тўлдиради. Ҳақиқатан ҳам коммунизм қурилиши сари дадил олға бораётган совет халқи юлдузлар сари голибона юришда ҳам биринчи бўлиб кетмоқда. Совет олимларининг бу соҳадаги ажойиб муваффақиятлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

А. АСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика институтининг илмий секретари.

# „Бўка“ совхози пахта тайёрлаш планини бажарди

*Илғорлардан ўрнак олиб, йиллик планни тезроқ бажариш учун астойдил курашайлик!*

## Совхознинг илғор кишилари

Ўртоқ М БОТИРОВ,
Совхоз директори

Ўртоқ С. ДОНИШЕВА,
илғор теримчи

Ўртоқ О. ЎРОЗБЕКОВ,
трактор — далачилик бригадасининг бошлиғи.

## Мажбуриятимизни ҳам ошириб бажарамиз

Совхозимиз коллективи бу йил 1400 гектар ерга чигит экиб, ундан мўл ҳосил етиштириш учун қатъий кураш бошлаган эди. Биз пахтачиликда механизациянинг ниҳоятда катта куч эканини назарда тутиб, ғўза парваришининг дастлабки кунларидан бошлаб техникадан унумли фойдалана бошладик.

Эрта кўкламдан бошлаб тер тўкиб қилинган меҳнат ўз самараларини кўрсатди. Августнинг охирларида ҳамма ерларимизда пахта яхши очилиб берди. Биз йиғим-терим ишларини машиналаштиришга ҳам катта аҳамият бердик. Механизаторларимиз 21 та терим машинасини сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

Ўтган йилларда совхозимизнинг пахта майдони анча кичик, ҳосилдорлик паст эди. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилган 1956 йилда ҳам совхозимиз бўйича фақат 1400 тонна «оқ олтин» териб олинган эди. Биз, агар бу йил пахта ҳосилдорлигини кескин оширмасак, областимиз бўйича 460 минг тонна пахта ҳосили етиштириш ишига муносиб ҳисса қўша олмаган бўламиз, деб бу йил пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга астойдил киришдик. Натижа дуруст бўлди. Пахта даларида мўл ҳосил етиштирилди. Ишчилар, механизаторлар, бутун коллектив ҳосилни йиғиштириб олиш ишини тез суръатлар билан олиб бордилар. Сентябрнинг биринчи ўн кунлигидан бошлаб кунига йиллик процентнинг тўрт проценти миқдорида, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тайёрлашга эришдик. Октябрь ойининг биринчи кунидан эса ишни янада жадаллаштирдик. Натижада кеча ҳаммаси бўлиб 2 минг 800 тонна пахта ҳосили йиғиб олиб, йиллик планни ошириб бажардик.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда механик-ҳайдовчиларимизнинг хизмати катта бўлди. Улар фидокорона меҳнат қилиб, қисқа муддат ичида 686 тонна ҳосилни териб бердилар. Механизаторлар машина теримига аввалданоқ пухта тайёргарлик кўриб келган эдилар. Ҳосили техника ёрдамида йиғиштириб олинадиган майдондаги ғўзалар алоҳида парвариш қилинганди. Шу сабабли карталарда пахта териш машиналарининг унумли ишлаши мумкин бўлди. Кўп механизаторлар кунлик терим нормаларини 1,5—2 баравага етказиб бажаришни таъминладилар.

Ўртоқ Ортиқбой Ўрозбеков бошлиқ трактор-далачилик бригадасида машина терими айниқса уюшқоқлик билан олиб борилди. Бригадирнинг ўзи мавсумда юз тонна пахта териш мажбуриятини олиб, тер тўкиб меҳнат қилди. Натижада у шу кунгача СХМ-48М маркали машина билан 45 тоннадан ортиқроқ пахта терди.

Совхозда ҳамма ишчи кучларидан тўла фойдаланишга эришилди. Теримчилар орасида ўнбешмингчилар ҳаракати авж олдирилди. Улар учун қулай шароитлар яратиб берилди. Қ. Турғунбоева, С. Даишева, С. Еркимбоева каби кўплаб теримчилар социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, бошқаларга намуна бўлиб ишладилар. Кунига 270—300 килограммдан пахта териб, хирмонга тўккан бу чевар теримчиларнинг кўпи ҳозирги кунгача 10 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Йиғим-терим мавсумида совхоз коммунистлари, комсомоллари жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Улар ҳозирги кунда ҳам ўз фидокорона меҳнатлари билан кўпчиликка намуна бўлаётирлар. Масалан, коммунист Ўртоқ Бақбергенов пахта териш машиналарининг унумли ишлашини таъминлаётир.

Қилинган ишлар бизнинг назаримизда у қадар катта эмас. Чунки бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бу осон иш эмас. Халқ орасида, аввал ўйла, кейин сўйла деган гап бор. Эл олдида катта гапириб ваъда берган эканмиз, энди уни тўла бажариб, ўз сўзимизнинг устидан чиқишимиз керак. Шунинг учун планни тўлдирганимиздан кейин ўз ички имкониятларимизни яна бир марта ҳисоблаб чиқдик. Фойдаланилмай ётган резервларни топиб ишга солдик. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар билан яна бир бор сўзлашишиб, уларга ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, олинган мажбуриятни бажаришимиз зарурлигини уқтирдик.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқлари ишчи ва хизматчиларимизнинг гайратларига гайрат қўшди. Улар байрамга муносиб совғалар билан борайлик, деб бир гайратларига ўн гайрат қўшиб ишлай бошладилар. Биз олган мажбуриятимизни бажарсак, пахтачиликни ривожлантириш юзасидан 1962 йилга мўлжалланган планни шу йилнинг ўзида бажарган бўламиз. Бу совхозимиз коллективининг Октябрь байрамига, жонажон партиямизнинг навбатдаги Пленумига тайёрлаган муносиб совғаси бўлади.

М. БОТИРОВ,
Совхоз директори.



Совхознинг 2-бўлими механизаторлари олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун қатъий кураш бошладилар. Бу ерда ҳар бир механизатор иш кунидан унумли фойдаланиб, кунига 3-4 тоннадан пахта тер мокда. Суратда: 2-бўлимда машина терими пайти.
В. Салов фотоси.

## Совхознинг илғор кишилари

Ўртоқ М. АКИМБОЕВ,
партия ташкилотининг секретари

Ўртоқ А. ИСМОИЛОВ,
бош агроном.

Ўртоқ Д. ТЎРАЕВ,
механик-ҳайдовчи

## Планимизнинг тўлиши кучимизга куч қўшди

Эрта кўкламда 120 гектар ерни экишга тайёрлаб қўйиб, ер қизиши билан чигит ташлаган эдик. Шунинг учун уруғ эрта етилиб, текис униб чиқди. Дарҳол механизация ёрдами билан ғўза парваришига киришдик. Оқибатда август ойининг ўрталаридаёқ пахтамиз очила бошлади.

Даламизда анча мўл ҳосил йиғилгани учун ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» кўтарамиз деб, мажбурият олдик. Асосий майдонларимизда ғўза баргини тўкиб, областда биринчи бўлиб машина теримини бошлаб юбордик. Бу ишга мен ҳам ҳамкасбларим билан бир сафда туриб актив қатнашдим. Шу кунгача бригадамиз бўйича етиштирилган ҳосилнинг 114 тоннаси машинада териб олинди. Биз пахта теришни жадал олиб борганлигимиз учун пахта тайёрлаш йиллик планимизни муддатидан илгари бажардик. Даладаги ҳосилимизни тўла йиғиб мажбуриятни ҳам бажарамиз.

Ортиқбой ЎРОЗБЕКОВ,
Трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

## 15 тонна пахта тераман

Ўтган йили областимизнинг ҳамма хўжаликларидаги каби бизнинг совхозда ҳам ғўза парвариши кечиктириб юборилган эди. Бунинг устига об-ҳаво ҳам ноқулай келди. Натижада пахта кеч очилиб, терим сентябрнинг ўрталарида бошланди. Бу йил эса иш бошқача бўлди. Ҳамма ерда ғўза парвариши асосан техника ёрдамида ўтказилди. Пахта ҳосили эрта етилди.

Совхозимизда август ойининг охирларида терим бошланиб кетди. Ўша кундан бошлаб ҳамкасбларим қатори мен ҳам ўнбешмингчилар ҳаракатига қўшилиб теримга киришдим. Ишга эрта чиқиб, кеч қайтиб кўпроқ пахта теришга интилдим. Шунинг орқасида мана шу кунга қадар хирмонга 8 тонна «оқ олтин» тўкдим.

Сорагул ДОНИШЕВА,
Теримчи.

## 8 октябргача Қанча пахта тайёрланди

### РАЙОНЛАР БЎЙИЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар | Бир кунлик ўсиш | | Мавсум бошидан бери | |
|---|---|---|---|---|
| | Ҳаммаси | Машина билан | Ҳаммаси | Машина билан |
| Қуйи Чирчиқ | 2,50 | 3,37 | 65,13 | 84,27 |
| Пискент | 1,99 | 3,00 | 64,46 | 54,62 |
| Гулистон | 2,17 | 2,24 | 64,07 | 46,22 |
| Боёвут | 1,97 | 1,96 | 62,30 | 37,97 |
| Сирдарё | 1,94 | 4,17 | 60,47 | 70,62 |
| Юқори Чирчиқ | 2,12 | 5,00 | 59,01 | 53,56 |
| Бўка | 2,13 | 2,89 | 57,30 | 49,59 |
| Оққўрғон | 1,78 | 3,90 | 56,42 | 43,42 |
| Бекобод | 1,67 | 1,27 | 55,67 | 28,74 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,76 | 2,27 | 54,97 | 38,75 |
| Оржоникидзе | 1,69 | 3,70 | 53,61 | 41,80 |
| Чиноз | 1,87 | 3,22 | 53,36 | 65,19 |
| Янгийўл | 1,70 | 1,81 | 51,73 | 38,81 |
| Жами | 1,90 | 2,58 | 58,13 | 46,17 |

### СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бушуев номли | 1,58 | — | 106,58 | 112,00 |
| 4-«Вревский» | 2,09 | — | 104,17 | — |
| «Бўка» | 4,65 | 7,33 | 100,11 | 114,33 |
| «Мирзачўл» | 2,30 | 1,50 | 75,63 | 61,40 |
| «Гулистон» | 2,20 | 7,75 | 69,16 | 99,75 |
| «Малик» | 3,33 | — | 67,74 | — |
| «Чаноқ» | 1,48 | 1,43 | 66,45 | 13,14 |
| «Социализм» | 2,41 | 3,75 | 64,07 | 47,37 |
| «ЎзССР беш йиллиги» | 2,69 | 3,00 | 61,43 | 80,63 |
| «Оққўрғон» | 2,08 | 5,07 | 60,24 | 55,92 |
| 1-«Боёвут» | 1,74 | 2,12 | 58,65 | 48,18 |
| «Дружба» | 1,60 | 4,00 | 57,40 | 61,67 |
| 4-«Боёвут» | 2,02 | 1,45 | 56,58 | 24,06 |
| 3-«Боёвут» | 1,55 | 1,81 | 55,76 | 43,31 |
| «Пискент» | 2,06 | 2,22 | 53,81 | 43,86 |
| 1-«Далварзин» | 1,78 | 1,50 | 52,62 | 26,18 |
| Киров номли | 1,90 | 2,15 | 51,93 | 66,77 |
| 2-«Далварзин» | 1,49 | 1,86 | 50,42 | 28,70 |
| «Фарҳод» | 1,66 | 0,83 | 45,42 | 9,85 |
| Жами | 2,04 | 3,17 | 59,26 | 52,07 |

# Машина терими бўйича олинган мажбурият сўзсиз бажарилсин

Пахтачилик ишларини комплекс механизациялаш қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишларнинг бири бўлиб қолди. Областимиз пахтакорлари бу йил ғўза парваришида механизациядан унумли фойдаланиб, қўл меҳнатини анча камайтирдилар. Механизаторлар йиғим-терим мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўришиб, машина теримига ажратилган майдонларнинг ғўзасини алоҳида эътибор бериб парвариш қилдилар. Улар бу йил машиналар билан 70 минг тонна пахта ҳосилини териб олиш юзасидан юксак мажбурият олдилар.

Терим машиналари барвақт ремонтдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилди. Мавсум бошлангунига қадар омма орасида пахта териш ишларини механизациялаштиришнинг аҳамияти жуда катта эканлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Чунки ўтган йилларда пахта териш машиналарига ишончсизлик билан қараш, машина картага кирганида етиштирилган ҳосилнинг кўп қисмини тўкиб юборади, нобуд қилади, деган баҳоналар билан унинг ишлашига тўғридан-тўғри ғов бўлиш каби ҳоллар кўп ерда учраган эди.

Бу йил — етти йилликнинг биринчи йилида пахтакорлар машина теримига ҳосилнинг таннархини кескин камайтирадиган, ҳар бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланадиган ишчи кучини, вақтни бекиёс даражада қисқартирадиган тадбир деб, қарадилар. Пахта қийғос очилиши билан ҳамма ерда машиналар ишга тушиб кетди.

Йиғим-терим бошланиш арафасида Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Турсуной Охунова ажойиб ташаббус бошлади. У ўз агрегати билан мавсумда 100 тонна пахта теришга қарор қилди. Унинг ташаббуси областнинг ҳамма колхоз ва совхозларида кенг ёйилди. Кўп механизаторлар 100—150 тоннадан, айримлари эса 200 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Моҳир механизаторлар «Ваъда олдингми, уни бажар!» шиори асосида ишлаб, кунига 2 — 3 тоннадан пахта тера бошладилар. Уларнинг айримлари бир кунда 6 — 7 тоннадан «оқ олтин» теришга эришди.

Машина теримининг дастлабки кунларидаёқ айрим кишиларнинг терим агрегатларига нисбатан бўлган илгариги нотўғри қарашлари тамомман ўзгариб кетди. Ташаббускор механик-ҳайдовчи Турсуной Охунова икки қаторли машинани моҳирлик билан ишлатиб, ҳар куни 4 — 5 тоннадан пахта терди. Унинг ҳозиргача хирмонга тўккан пахтаси 80 тоннадан ҳам ортиб кетди. «Малик» тажриба хўжалигининг механизатори Жавод Кўчиев эса 1 октябрга қадар ўз агрегати билан 101 тонна пахта терди. Бу икки механизатор меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

Жуда кўп колхозлар, совхозлар ва районлар машина терими бўйича олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун қатъий кураш бошладилар. Натижада механик-ҳайдовчиларнинг иш унуми анча ортди. Бу соҳада айниқса бойёвутлик механик-ҳайдовчилар яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар 5 октябргача 4400 тонна пахта ҳосилини машина билан териб олдилар. Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозида эса машина билан 2078 тонна пахта терилди.

Машина теримида Сирдарё, Чиноз районлари механик-ҳайдовчилари ҳам актив қатнашдилар. Натижада 5 октябргача область бўйича 24792 тонна пахта терилиб, машина терими плани 38,05 процент қилиб бажарилди. Бироқ областда пахта териш машиналарининг иш унумини бундан ҳам ошириш имкониятлари бор эди. Айрим хўжаликлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмадилар, машиналарни тўла ишга солмадилар, уларнинг иш унумини оширмадилар. Машина билан пахта териш суръати, айниқса, октябрь ойида пасайиб кетди.

30 сентябрда область бўйича машина билан 2064 тонна пахта терилган эди. Октябрда пахта сентябрдагига қараганда ҳам яхшироқ очилди. Шундай экан, бу ойда терим суръати анча ортиши керак эди. Бироқ аксинча бўлиб чиқди. Масалан, 1 октябрь куни областда 1423 тонна, 3 октябрда эса 1595 тонна пахта терилди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Асосий сабаб шуки, айрим колхоз, совхоз ва район раҳбарлари, ҳаво иссиқ келаяпти, ҳосилни шошилмай йиғиб оларамиз, деган кайфиятга берилиб, ишни бўшаштириб юбордилар. Натижада терим машиналаридан унумли фойдаланилмади. Ҳар бир агрегатнинг иш унуми кескин камайиб кетди. Мана фактларга мурожаат қиламиз.

2 октябрда Боёвут районидаги мавжуд 339 машинадан фақат 223 таси ишлаб 232 тонна пахта терди. Эртаси куни машиналар сони яна камайиб, 219 га тушиб қолди. Бу машиналар билан фақат 197 тонна пахта териб олинди. Кўринib турибдики, октябрь ойида ишлаб турган машиналар сони ҳам, улар билан терилган ҳосил миқдори ҳам кун сайин ортиш ўрнига камайиб кетмоқда. Бундай аҳвол Гулистон, Сирдарё, Бекобод районларида ҳам юз бераётир.

Гулистон районида илғор теримчилар иш суръати жиҳатидан машинага етиб қолай дедилар. Айрим теримчилар, бундан ҳам жадалроқ ҳаракат қилсам, машинадан кўпроқ пахта тераман, деб пичинг қилмоқдалар. Бу бечиз эмас. 2 октябрда районда мавжуд 168 терим машинасидан 122 таси ишлаб, улар билан 106 тонна пахта терилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир агрегат билан терилган пахта ўрта ҳисобда 1 тоннаданга ҳам етмади. Афсуски, бундай ачинарли аҳвол на район раҳбарларини, на колхоз ва на совхозларнинг раҳбарларини ташвишга солди. Район партия комитети, район ижроия комитети рўй берган аҳволни таҳлил қилиб кўрмадилар. Машиналарнинг тўла ва унумли ишлаши билан қизиқмадилар. Натижада 3 октябрь куни иш яна ҳам орқага кетди. Пахта даларида фақат 105 та машина ишлаб, 80 тонна пахта терилди. Мана, гулистонликлар пахта териш машиналаридан шу зайилда фойдаланмоқдалар!

Шуни ҳам айтиш керакки, Бекобод районида ишлаётган машиналарнинг иш унуми таҳлил қилиб кўрилса, уларнинг олдида Гулистонда юриб турган машиналарнинг иш унуми ҳолва бўлиб қолади. Районда мавжуд 233 терим машинасидан кунига 140 — 165 таси юриб турибди. Ҳар бир агрегат билан йиғиб олинган пахта ҳосили эса бир кунда 700 килограммданга ҳам етмаётир.

Районда ғўза баргини тўкиш ишлари ҳам жуда пайсалга солинган эди. 25 сентябргача 1- «Далварзин» совхозида (директори Ўртоқ Мирдодаев) пландаги 3300 ўрнига фақат 2060 гектар ерда дефолиация ўтказилди. 2-«Далварзин» совхозида эса (директори Ўртоқ Бойметов) бу иш 30 сентябрда ҳам тугалланмади. 479 гектар майдонда дефолиация ўтказиш иши октябрь ойига қолдирилди. Мирдодаев ва Бойметов ўртоқлар ғўза баргини тўкишни шу қадар кечиктириш билангина кифояланиб қолмай, машина терими соҳасида ҳам қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Уларнинг шахсан кўргазмаси билан машина теримига ажратилган карталардаги пахта ҳосили қўл билан териб олинабошланди. 1- «Далварзин» совхозининг ўртоқ Олимов бошқарувчи ва ўртоқ Султонов агроном бўлган 1- бўлимида машина терими учун 285 гектар ер ажратилган эди. Ўртоқ Мирдодаев, бу ерларнинг пахтасини ҳам қўлда тераверинг, деб буйруқ бериб юборгандан кейин бу кўрсатма Олимов ва Султонов ўртоқларга ҳам маъқул тушди. Натижада 135 гектар ердаги ҳосил қўлда териб юборилди. 6- бўлимда машина теримига ажратилган 420 гектар ернинг 350 гектари, 8- бўлимда эса 310 гектарнинг 233 гектари қўлда терилди. Шундай қилиб, совхоз директори, республикада хизмат кўрсатган агроном Ўртоқ Мирдодаев партиянинг машина терими юзасидан қабул қилган қарорларини тўла бажармаслик йўлига ўтиб олди.

Юқоридаги сингари аҳвол «Пискент» совхозида (директори Ўртоқ Киселев), «Мирзачўл» совхозида (директори Ўртоқ Бегимқулов) ва Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли (раиси Ўртоқ Йўлдошева), Энгельс номли (раиси Ўртоқ Кусаев), Калинин номли (раиси Ўртоқ Ем-Ман) колхозларида, Киров номли совхозда (директори Ўртоқ Пак Сан-Ер) ҳам юз бермоқда. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари терим бўйича беришган кунлик графикни бажарда олмаётганлигини беркитиш учун ана шундай жиддий хатога йўл қўймоқдалар. Очиғини айтганда пахтачиликни комплекс механизациялаш ишига мутлақо қарама-қарши иш тутмоқдалар.

Ҳозирги пайтда машина теримининг ҳам сиёсий, ҳам хўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим иш эканиги ҳаммада тўла ишонч ҳосил бўлган бир пайтда юқоридаги хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга етарли баҳо бермаётирлар. Бундай аҳвол билан келишиш мумкинми ахир? Йўқ, асло мумкин эмас!

Механизацияга қарши қарашлар, хатти-ҳаракатлар таг-туги билан қўпориб ташланиши керак.

Шу кунларда республика, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни тўла бажариш, бунинг учун дастлаб терим суръатини кучайтиришга астойдил киришганлар. Бу ишда терим машиналарининг катта ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Негаки, ҳар бир пахта териш агрегати қамида 30 — 35 теримчининг ишини бажаради. Шундай бўлатуриб, бир гуруҳ раҳбарлар механик-ҳайдовчилар ўртасида оммавий тушунтириш ишларини олиб бормаётирлар. Уларнинг унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб бермаётирлар. Аксинча, механик-ҳайдовчиларнинг унумли иш қилишларига ғов бўлмоқдалар. Бундан бўён бу хилдаги хатти-ҳаракатки қатъий қоралаш керак. Ҳамма ерда пахта териш машиналарининг унумли ишлашига, бирорта агрегатнинг ҳам бекор туриб қолмаслигига эришиш керак. Механизаторлар орасида ҳозиргача 100 тоннадан, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта терган илғор механик-ҳайдовчиларнинг иш тажрибаси оммалаштирилиши лозим. Бунинг учун ҳамма ерда мустаҳкам давлат интизомини ўрнатиш зарур. Машина теримига биринчи галда комплекс механизациялашган бригадалар жиддий эътибор беришлари керак. Ахир бу бригадаларнинг аъзолари механизациядан унумли фойдаланиб, ҳосилнинг таннархини кескин камайтиришга сўз берганлар. Агар улар машиналарни тўла ишга солиб, қўл меҳнатини кўп даражада камайтирмасалар ўз сўзларининг устидан чиқишлари мумкин эмас. Шунингдек, ҳамма далачилик бригадаларида, барча хўжаликларда, районларда ҳар бир терим агрегатининг унумли ишлаши устидан назорат ўрнатиш керак. Бу ишда район қишлоқ хўжалик инспекциясининг ходимлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести ва республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ходимлари актив иштирок этишлари зарур. Шунингдек, бригадирлар, далачилик мудирлари машина терими топшириғининг бажарилиши учун бутун кучлари билан меҳнат қилишлари зарур. Шундай қилинганда областимиз бўйича машина билан 70 минг тонна пахта териш юзасидан олинган юксак мажбурият ортиғи билан бажарилади, партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми муносиб совға билан кутиб олинган бўлади.

Ҳамма пахта териш машиналари — далага!

П. А. НОВОСЕЛЬЦЕВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

# 100 ФУРҚАТ 100

## Маърифатпарвар ва демократ шоир

Атоқли маърифатпарвар ва демократ шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат маданият ва адабиёт тарихимизда янги саҳифа очди. Фурқатнинг яратган ажойиб, сермазмун ижоди ўтмишда халқимиз томонидан яратиб қолдирилган бадиий-адабий бойликлар хазинасининг дурдоналаридан бири бўлиб, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизни ривожлантиришда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади. Фурқат, Муқимий, Аҳмад Дониш, Завқий каби ёзувчилар қаторида туриб, демократик адабиётни яратишда олижаноб вазифаларни бажарди, халқпарварлик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши ўзининг объектив оқибатлари билан мамлакат ҳаётида, Ўрта Осиё халқларининг тарихий тараққиётида катта ижобий прогрессив воқеа бўлди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши туфайли ўзбек халқи учун тамоман янги бўлган рус маданияти билан бирга, рус классик адабиёти ҳам кириб келади. Ўрта Осиёдаги меҳнаткаш халқлар билан дунёда илғор революцион синф бўлган рус ишчилар синфи орасидаги дўстона муносабат кундан-кунга мустаҳкамлана борди. Шу дўстлик туфайли халқ оммаси орасига илғор рус маданияти билан бирга марксистик идеялар ҳам кириб келди.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар адабиётда ҳам акс этди. Даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари ва илғор рус маданияти таъсири остида ўзбек маданияти ва адабиётида кўп асрлик тарихга эга бўлган прогрессив демократик оқим янада ривожланди.

Муқимий, Фурқат каби прогрессив шоирларнинг асарларида Ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат ҳислари баралла янгради, улар реализм методини қўллаб, ҳаётни ҳақиқий, реалистик асосда тасвирлашга чуқур умумлашмалар беришга интилдилар. Фурқат ўз асарларида феодал қолоқликка қарши кескин курашга, билим, фан ва техникани ўрганишга чақиришнинг оташи жарчиси бўлди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида, майда савдогар-кустар оиласида дунёга келди. Ёшлигида у, схоластика асосида қурилган эски мактабда, сўнгра мадрасада ўқиди. Зокиржон ёш чоғларида ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларини мароқ билан мутолаа қилади. У шарқ адабиётининг улуғ сиймолари ижодини, хусусан форс-тожик ва Озарбайжон адабиёти классиклари (Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларини тинмай ўрганади.

Фурқатда поэтик санъатга қизиқиш эрта бошланди. У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ кўпгина шеърлар ёзади. Оиланинг оғир моддий аҳволи 17 ёшли Зокиржоннинг мадрасадаги ўқишни ҳам, узлуксиз ижодий ишини ҳам тўхатишга мажбур этди, у отасининг ишига ёрдам беради. Бир неча вақтдан кейин, Фурқат тоғаси билан янги Марғилон (ҳозирги Фарғона шаҳри) га боради. Унда тоғасининг дўконида хизмат қилади.

Сўнгра яна ўз билимини оширишга интилади, шу билан бирга ўзи ҳам дарс беради ва ижодий ишлар билан шуғулланади.

У, янги Марғилонда бир неча вақт турганидан сўнг, 1882 йилда Қўқонга қайтиб келади: Қўқондаги прогрессив кайфиятли демократ шоирлар билан яқинлашув ва ҳамфикрлик Фурқатга катта ижобий таъсир кўрсатади. Шоирнинг шу даврда ёзган шеърларида демократик ғоялар ривожлана боради.

Шоирнинг чуқур мазмун билан тўлган оташин шеърларида ўз халқини севгани, унинг тарихи, ҳаёти ва маданияти билан қизиққанлиги кўзиниб турар эди. Унинг лирик шеърларида ўз замонидан нолиш, эрланиш билан бирга меҳнаткаш халқни эркин, ёруғ ҳаётга чақириш баралла янграйди. Бу жиҳатдан унинг «Сайдинг кўзбер, сайёд» деб бошланадиган , аллегорик мусаддаси характерлидир. Фурқат бу шеърдаги лирик қаҳрамон орқали ўз ҳиссиётини ифодалайди. Шоирнинг бу шеъри ўша замондаги мустамлакачилик зулмига қарши норозиликнинг ифодасидир.

Фурқатнинг бу руҳдаги шеърлари XIX аср охиридаги ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ўзига яраша роль ўйнаган лирик шеърлардир. Бу шеърлардаги фикрлар реакцион феодал-клерикал адабиёт тарғиб этган диний, афсонавий уйдирмаларга қарама-қарши туради.

**Киши тўбу-ю, кавсар жаннати**
**рузвонни не қилсун**
**Жаҳон айвонида ҳосил бу**
**янглиг анжуман бўлса?**

каби мисралар реал ҳаётдан завқланишга чақирган оташин юракнинг нидосидир.

* * *

Фурқат Қўқонда яшаган пайтларида ижодий иш билан жиддий шуғулланади. Кўп ғазаллар, муҳаммаслар ёзади; тожик тилидан ўзбек тилига бир неча асарларни таржима қилади.

1889 йилнинг май ойида Фурқат Тошкентга келиб, Кўкалдош мадрасасидаги бир ҳужрада яшай бошлайди. Фурқат Тошкентда икки йил — 1891 йилнинг май ойигача яшайди. Тошкентда Фурқатнинг ижодий фаолиятидаги энг ёркин, энг маҳсулдор даврбошланади. Шоирнинг 1889 — 1891 йилларда Тошкентда яшаб ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгиликларни кузатиб бориши унинг ғоявий-ижодий тараққиётида катта роль ўйнади. Шоир рус тилини ўрганишга киришади ва рус адабиёти билан аста-секин таниша боради. А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовларнинг баъзи асарлари билан танишади. Фурқат, айниқса ўз шеърларида, А. С. Пушкин номини тилга олиб, уни жуда ҳурмат қилар эди. Шоир Тошкентда ўз шеърларини «Туркистон вилоятининг газети»да нашр эттиради. Фурқатнинг рус маданиятини тарғиб этувчи асарлари ва ундаги ғоявий йўналиш шоир ижодида рус адабиётининг баракали таъсири борлигини кўрсатади.

Фурқат ўзининг олижаноб фикрларини шеърларида ифода қилиш билан қаноатланиб қолмай, публицистик мақолалар ҳам ёзади. Фурқат ўзбек шоирлари орасида биринчи публицист сифатида ҳам машҳурдир.

Фурқатнинг кўп шеърлари ўз замонининг реалистик, ҳаққоний асарларидир. Фурқат турмушда, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ҳар бир янгилик билан жуда қизиқар ва уни ўз халқининг ҳаётига тадбиқ қилишни қалбидан ҳоҳлар эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқига рус халқининг маданиятидан ибрат олишни тавсия этар эди.

Лекин у, ўз замонидаги жамият тузумини, жамият тарихий тараққиётининг ички қарама-қаршиликларини, синфий зиддиятлар моҳияти эканлигини тушунишгача бориб етмаган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, Фурқат ўз замонининг энг илғор, прогрессив кишиси сифатида маърифатни севган, ватанпарвар шоирдир.

Фурқат 1891 йилнинг 14 майида Тошкентдан Самарқандга борди. Бу ердан чет элларга кетди. 1893 йилда Кашмирга, ундан Хутан, сўнгра Еркентга бориб, у ерда турғун бўлиб қолади. Фурқат ўз ватанида шодлик кўрмаганидай, чет элларда ҳам халқ оммасида тинчлик, хурсандчилик топмади. У, ватан муҳаббатини ва халқ қудратини тараннум этувчи ўз озодлиги учун курашган халқни мадҳ этувчи шеърлар ёзди. Бу ҳол унинг ижодидаги маънавий кучни оширди. Дўстлик, халқпарварлик туйғулари Фурқат ижодида яна ривожланди.

Фурқат халқлар ўртасидаги дўстликни улуғлади ва халқларнинг дўстона ҳамкорликда ва осойишталикда яшашларини орзу қилди. Фурқат 1905 йиллардаёқ Россия халқлари билан Хитой халқлари орасидаги мустаҳкам дўстликка ўзининг энг яхши мисраларини бағишлаган эди:

**Муаззам Русу Чин ҳамкору**
**ҳамдаст,**
**Азалдин ерлари бир-бирга**
**пайваст**
**Алар ижмоидин осойиш ўлгай,**
**Шукуҳи дунёга оройиш ўлгай.**

Бу мисралар ҳозирги куннинг садоси сифатида жаранглямоқда. Унинг Россия билан Хитой ерларининг туташлиги, бу икки улуғ халқ ва мамлакатнинг дунёга абадий тинчлик бағишлаши ҳақидаги орзулари - реал, ҳаққоний бўлиб қолди.

Прогрессив ғояларни илгари сурган буюк новатор шоир Фурқатнинг ижоди XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий фикрни ривожлантиришда ўзига муносиб катта ҳисса қўшди. Шоир ўз асарларида гуманизм, ватанпарварлик, озодликни севиш ғояларини тарғиб қилди.

Фурқат чет элларда юрганда ҳам ўз халқини, ватанини унутмади, ўз ижоди билан халққа хизмат қилишни давом эттирди. Халқпарвар шоир Фурқат Еркентда 1909 йилда вафот этди. Унинг яратган асарлари фақат советлар давридагина ўз қадри-қимматини топди. Унинг шеърлари рус, тожик, уйғур тилларига таржима қилиниб, бир неча бор нашр этилди. Шоир Фурқат бизнинг улуғ замонамизда ўзи тасаввур эта олмаган даражада катта ҳурмат ва иззатга сазовор бўлди. Унинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган юбилей шоир асарларининг қайта-қайта нашр этилиши, парклар, кўчалар ва мактабларнинг унинг номига қўйилиши бу ҳурмат ва улуғлашнинг ёркин далилидир.

Буни Совет Иттифоқининг қудратли Коммунистик партияси ва унинг доно миллий сиёсати таъмин этди.

**Холид РАСУЛ,**
**филология фанлари кандидати.**

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли ФУРҚАТ.

## Фурқатнинг янги шеърлари

Қўқонлик кекса адабиётшунос Пўлатжон Қаюмов шу йил 23 сентябрда Қўқонда бўлиб ўтган Фурқат юбилейи кечасига Фурқатнинг икки янги ғазалини тақдим этди. Бу ғазалларни юбилейга қатнашган шоир Собир Абдулла олиб келди.

### КЎРМАЙ

Утлуғ юзингга бағрим бўлди кабоб кўрмай,
Ул юзда кўрмагунча то юз ниқоб, кўрмай.
Кўрмоқ бўлурму жоно, тўйгунча оразингни,
Фаттон ики кўзингни то масту хоб кўрмай.
Рамзини белу оғзинг, билмоқда қилу-қолин,
Аҳли дақиқ еталмас юзминг китоб кўрмай.
Минбаъд ҳам кўралмас, бу дамгача келибдир
Даврон кўзи сенингдек олий жаноб кўрмай.
Жоно ўтиб борурсан шаҳд ила, умр янглиғ,
Ёримки, ҳеч кимни сендек шитоб кўрмай!
Ўлсам замони ғориғ савдосидан сочингни,
Ғам даштида қуюндек жуз печу тоб кўрмай.
Найлаб муяссар ўлгай Фурқатга роҳати васл,
Йиллар ғамингда з ой, тун-кун азоб кўрмай.

### БАҲОРИМ БОР

Тушимда бир пари кўрдим, насибам бўлса ёрим бор,
Юракни тири ишқи пора қилди оҳу зорим бор.
Тамомий ҳури жаннат рашк этар гул оразин кўргач,
Тамоша қилгали, ихлоп турарга икки норим бор.
Юзини кўрдим-у бошимга тушди турфа савдоси,
Қарору сабрим олди, кеча-кундуз интизорим бор.
Кечарман жону-дилдан, кўрмагунча ҳусни раъноси,
Етурдим кўз очиб, юмгунча, бир чобиксуворим бор.
Муҳаббат ўтига куйди дилу жоним, эй дўстлар,
Мени айб этманг айтиб йиғласам, не ихтиёрим бор.
Мени маҳрум этиб дўстлар ҳузури ҳукм сонидин,
Ичиб сархуш май, ёрим диёридан гузорим бор.
Тегиб ишқ оташи, ёндирди, айб этманг Зулайхони,
Умидим васлидан Фурқат, яна фасли баҳорим бор.

## Фурқат ижодини чуқур ўрганайлик

Ўзбек адабиётининг классиги, ажойиб демократ шоир ва маърифатпарвар мутафаккир Фурқатнинг ҳаёти ва ижодиёти материалларга бой бўлиши билан ҳам қизиқарлидир. Фурқат демократ шоир ва илғор маданиятни, айниқса рус маданиятини кенг пропаганда қилган маданият арбобидир.

Ёш авлодга ўзбек маданиятини ўзининг қийматбаҳо асарлари билан бойитган Фурқатнинг ҳаёти ва ижодиётини чуқуррок ўрганиш, уларда улуғ шоирнинг асарларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг шарафли бурчидир. Улуғ шоирнинг шу кунларда бўлиб ўтаётган юз йиллик юбилейига бизнинг кўшган ҳиссамиз шу бўлади.

**У. САЛОҲИДДИНОВ,**
**Тошкентдаги 141-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.**

## ФУРҚАТ ЭКРАНДА ВА ТЕАТР САҲНАСИДА

**Ўзбек маданияти ва адабиёти тарихида янги саҳифа очган Фурқатнинг ҳаёти ҳамда ижодига бўлган қизиқиш сўнгги йилларда ниҳоятда ўсди. Унинг ажойиб лирик асарлари, ўша давр газеталарида босилган мақолалари рус ва ўзбек тилларида бир неча марта нашр қилинди. Шоир ҳақида газеталар ва журналларда жуда кўп чуқур мазмунли мақолалар босилиб чиқди. Каттагина ҳажмда салмоқли монография ёзилди.**

**Шоирнинг ўлмас образини акс эттирган бадиий асарлар ҳам яратилди. Шоир Ғайратийнинг «Фурқат» поэмаси, Туроб Тўла ва Михаил Мелқумовларнинг шоирга аталган кино сценарийси, Т. Ҳўжаев ва Б. Авезовлар ёзган «Фурқат» номли саҳна асари, журналист С. Каримов яратган «Фурқат» драмаси фикримизнинг далили бўла олади.**

**Ҳамза номидаги Ленин орденли академик театрда Т. Ҳўжаев ва Б. Авезовларнинг «Фурқат» номли пьесаси саҳналаштирилганига анча бўлди. Республика халқ артисти Тўла Ҳўжаев бош режиссёр бўлган бу саҳна асарида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зикир Муҳаммаджонов халқимизнинг севимли шоири образини яратди. Спектакль Тошкент тамошабинларига театр коллективи гастролга кетмасдан олдин бир мартагина кўрсатилди. Театр артистлари янги спектаклни гастроль даврида**



**областлар меҳнаткашларига кўп марта кўрсатдилар.**

**«Узбекфильм» киностудияси яратган «Фурқат» номли бадиий фильм машҳур маърифатпарвар — демократ шоир хотираси учун муносиб тортиқдир. Ҳозир бу фильмни пойтахтимиз кинотеатрлари экранларида тамошабинлар ҳаяжон билан кўрмоқдалар.**

**Фильмда шоирнинг (1885 йилдан 1892 йилгача) Қўқон ва Тошкентдаги адабий ҳамда ижтимоий фаолияти тасвирланган. Фильмга асос қилиб олинган замона воқеалари фонида Фурқат образи гавдаланади.**

**Фурқат образини ижро этган артист Ёқуб Аҳмедов ўз халқи манфаатларини садоқат билан ҳимоя қилган демократ шоирдаги ана шу чин инсоний фазилатларни тўла акс эттиришга ҳаракат қилган.**

**Фурқатга аталган фильмнинг тўлақонли бўлиб чиқишига республика халқ артистлари А. Турдиев (мингбоши Беклербеги), М. Юнусов (диндор шоир Рухий), Р. Ҳамраев (Муқимий), О. Жалилов (Раъноининг даласи Тошболту) ва бошқалар катта ижодий ҳисса қўшганлар. Янги фильмда иттифоқимизга танилган артистлар А. Ларионова, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар В. Емильянов ва А. Хвлянинг ҳам баракали ижодий ҳиссалари бор.**

**Фурқат образи Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри саҳнасида ҳам яратилади. Бу театрнинг ижодий коллективи С. Каримовнинг «Фурқат» номли драмасини саҳналаштириш ишларини бошлаб юборди.**

**Т. НАЖМИДДИНОВ.**

**Суратда: Фурқат кинофильмидан бир кўриниш.**

## ШОИР

(Фурқат хотирасига)

Шоир кўзларига инмайди уйқу,
Соғинч аламини қўйлайди тори.
Яна ватан ишқи қўзғамиш
ғулу,
Яна она тупроқ қилмиш хумори,
Соғинч аламини қўйлайди тори.
Хижрон панжа ургач қувғинда
шоир,
Кўксида бир қисим юртдан
олган хок.
Юрди не-не тошқин, қуюнда
шоир,
Тупроқни сақлади она-сутдай
пок,
Кўксида бир қисим юртдан
олган хок.
Ғазал ёзиб шундан узолмайди
кўз,
Меҳри синиб кетган
зарраларига.
Дарчадан нур тўкар бир
хомуш юлдуз,
Шу хок қанот берар
мисраларига,
Меҳри синиб кетган
зарраларига...
Интизорликда шеър ёзди
интизор,
Кўкларга чирмашди фарёд,
ноласи.
Аммо она юртнинг ўзи
нолакор,
Тинглолмасди хижрон эзган
боласи,
Кўкларга чирмашди фарёд,
ноласи:
Қачон бўлгайки, топкайман
Хабар ёру диёримдан...
Невараниг сўзини тинглагил
шоир,
Қўлим кўкрагимда, қиламан
таъзим.
Дарё эдинг,— сўзинг тўла
жавоҳири,
Илк марта чалолдинг маърифат
созин,
Қўлим кўкрагимда, қиламан
таъзим.
«Диёр...» дединг, диёр бўлмади
насиб,
Унутмади сени халқинг,
ватанинг.
Куйинг етиб келди даврлар
ошиб,
Меҳринг меҳримизга уланди
саинг,
Унутмади сени халқинг,
ватанинг.
Ҳайкалинг пойига қўймоқлик
учун
Гул теріб юраман чаман
оралаб.
Менга тикиласан шодимон,
мамнун,
Шеър айтмоқ бўлибми гоҳ
жуфтлайсан лаб:
Киши тубию кавсар,
Жаннату рузвонни не қилсин
Жаҳон айвонида ҳосил
Бу янглиг анжуман бўлса.

**Юсуф ШОМАНСУР.**

## УСТОЗ

Яқинда бир группа ёзувчилар билан Қўқондан қайтдик. У ерга севимли шоиримиз, устоз Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг юбилей кечасида қатнашиш учун борган эдик. Шоирнинг туғилган юрти Қўқон атоқли сўз устаси юбилейини зўр тантана билан ўтказди. Юбилей сессиясида олимлар атоқли шоирнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида илмий докладлар қилдилар, шоирлар ва санъаткорлар Фурқат шеърлари ва ғазалларидан ўқиб бердилар. Юбилей улуғ мушоирага айланди.

Маърифатпарвар ва демократ шоир Фурқатнинг ғазаллари, мактублари адабиётимизнинг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Фурқат ўз ижодининг оригиналлиги, маҳорати билан Навоий, Муқимий ва бошқа шу каби буюк сўз устозларининг қаторида туради. Унинг ранг-ба-ранг, бой адабий мероси ўзбек ёзувчиларига илҳом бериб келмоқда. Мен ҳам бошқа шоирларимиз каби Фурқат асарларини зўр эътибор билан ўқиб келаман. Фурқат асарларининг сайқали, чуқур мазмунли ва ёркин ифодаси биз адибларга ижодий намуна бўла олади.

Бугун халқимиз севимли шоирнинг юбилейини тантана билан ўтказар экан, унинг ижодига бўлган зўр ҳурматини яна бир бор намойиш қилади ва бу юбилейни шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизнинг катта байрами деб билади.

Улуғ маърифатпарвар, доно шоирнинг туғилган кунини нишонлаш республикамизда кенг кўламда ўтказилаётганлигини, бу юбилейни халқимиз зўр қувонч билан нишонлаётганлигини юқорида Қўқон мисолида баён қилдик. Бизга, ўз улуғ кишиларимизни эслаш, ҳотирлаш, тўйтантаналаринги ўтказишга кенг имкон яратиб берган жонажон Коммунистик Партиямизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак ҳам оз.

**Собир АБДУЛЛА.**

## ЮБИЛЕЙГА СОВҒА

Фурқат лирикасининг кўпчилиги бастакорларимиз томонидан куйга солинган. Чунки шоирнинг ҳар бир шеъри ўзининг равонлиги, ўйноқи ва жўшқинлиги билан бастакорлар илҳомига-илҳом қўшади, нафис қўшиқлар ижод қилишга даъват этади.

Маърифатпарвар шоир Фурқат асарига дастлаб биринчи ўзбек совет композитори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёқимли ва таъсирли куй ёзган. Унинг «Сайёра» қўшиғи ҳозир ҳам қўшиқчиларимиз репертуаридан тушмай келмоқда.

Республика халқ артисти Юнус Ражабий ўзининг кўп йиллик ижодий фаолиятида Фурқат шеърларига айтилган бир неча халқ қўшиқларини ноталаштиришга муваффақ бўлди.

Атоқли композитор А. Ф. Козловский ҳам Фурқат юбилейи олдидан шоир шеърларига ажойиб музикалар ёзди.

Шунингдек, мен ҳам шоир юбилейига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш мақсадида Фурқатнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган музика асарлари ёздим. «Узбекфильм» киностудиясининг ижодий коллективи тайёрлаган Фурқат ҳақидаги бадиий фильмга атаб музика ёзиб бердим. Фильм сценарийсининг динамикаси, образлар характери, манзаралар картинаси ҳақидаги изоҳлар мазкур фильм учун ёзилган музиканинг жонли ва нафис бўлишини таъминлади.

Шундан сўнг менда демократ шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи оратория яратиш орзуси пайдо бўлди. Ораторияга етарли материал тўплаб, уни ёзишга киришдим. Яқинда оратория музикасини Ўзбекистон Давлат филармониясига топширдим.

Шу кунларда мазкур оратория постановкаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Бу Фурқат ҳақидаги оратория шоир юбилейи кунида пойтахт меҳнаткашларига тақдим этилади.

**С. ЮДАКОВ,**
**композитор.**

## ШОИРНИНГ МЕРОСИ

Демократ ва маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат халқимизнинг энг севимли классик шоирларидан биридир. Унинг нодир асарлари, Октябрь революциясига қадар тўпланиб, яхлит ҳолда нашр этилмаган. Бунинг учун ўша вақтда шароит йўқ эди.

Революциядан кейин халқимизнинг маданий меросини ўрганиш ва уларни нашр этиш учун катта имкониятлар яратилди. Навоий, Махмур, Гулханий, Муқимий ва бошқа классик сўз усталари қаторида ажойиб лирик шоир Фурқатнинг ҳам ғазаллари, мактублари ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисидаги асарлар кўп нусхаларда босила бошланди.

Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти кейинги йилларда Фурқат асарларининг танланган икки томлигини нашр этди. Унда улуғ шоирнинг кейинги вақтларда топилган асарлари ҳам эълон қилинган.

Нашриёт Фурқат туғилган кунининг юз йиллигига бағишлаб, бир қанча китоблар чиқарди. Улар орасида Фурқат ва Муқимий ҳақидаги мақолалар тўплами, «Фурқатнинг лирикаси» (рус тилида), «Зокиржон Фурқат» — мақолалар тўплами ва Холид Расулнинг Фурқатнинг ижодий йўли ҳақида ёзилган танқидий библиографик асарлари бор.

## Юбилей виставкаси

«Зокиржон Фурқат — буюк ўзбек демократ шоири»— Навоий номли Давлат академик опера ва балет театри биносида очилган юбилей виставкаси шундай деб аталади. Навоий номли халқ кутубхонаси ходимлари жиҳозлаган бу виставка 8 бўлимдан иборат.

1-бўлимда Фурқат яшаган даврдаги ҳаёти акс эттирилган. Фурқат Туркистоннинг Россияга қўшилишининг прогрессив ролини англаб етган илғор шоир эди. Ўнлаб экспонатлар шундан далолат беради.

Иккита алоҳида бўлимдаги экспонатлар Фурқат лирикаси ва сатираси ҳақида тўла тасаввур беради. Шоир умрининг сўнгги йилларини дарбадарликда ўтказган. Унинг шарқ мамлакатларида бўлиши махсус картада тасвирланган.

Виставканинг энг сўнгги бўлими совет даврида Фурқат ҳаёти ва ижодининг қандай ўрганилаётганидан ҳикоя қилади.

**С. МУСАЕВ.**

# Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг бир йиллиги

Еттинчи октябрь куни республикамиз пойтахтининг жуда кўп вакиллари Свердлов номли концерт залига тўпланиб, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг бир йиллигини нишонладилар. Кеча қатнашчилари орасида шаҳар адабиёт аҳллари билан бригаликда Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган қардош Украина ёзувчилари ҳам бор эдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари К. Яшин кечани очиб, бу тарихий куннинг бир йиллиги ҳақида доклад қилиш учун Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари доимий бюроси билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси, шоира Зулфияга сўз беради.

Адабиёт аҳллари ва бутун Тошкент жамоатчилиги хотирасида 1958 йилнинг қувончли октябрь кунлари абадий қолади, дейди докладчи. Уша кунларда Тошкентда 50 мамлакат халқларининг вакиллари учрашган эдилар. Тошкент конференцияси ёзувчиларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва халқлар дўстлигини янада кучайтириш соҳасида жуда катта иш қилган эди. Тошкент конференциясининг кучи ва обрўси шу қадар катта бўлганлигига сабаб, даставвал, унинг ҳар бир софдил инсон қалбига яқин бўлган юксак ва олижаноб принципларни кўтариб чиққанлигидадир. Конференция қатнашчиларининг овози бутун дунёга баралла эшитилди, соф виждонли миллион-миллион кишиларни тинчлик учун, озодлик ва халқларнинг бахт-саодати учун курашга илҳомлантирди. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг адабий Бандунг дейилиши ҳам, унинг тинчликсеварлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтганлиги учун «Тошкент руҳи» тушунчасининг вужудга келиши ҳам бечиз эмас.

Докладчи конференциядан сўнг ўтган вақт қувончли ҳодисалар билан тўла бўлганлиги ҳақида гапиради. КПСС XXI съезди қарорларидан руҳланган совет кишилари тинч ижодий ишлар кўламини кенгайтирмоқдалар, етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини реал воқеликка айлантирмоқдалар. Бутун дунё космик фазога дадил қадам қўяётган совет олимларининг ажойиб муваффақиятларини олқишлямоқда. Барча мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «совук муносабатлар уруши» музини парчалаб ташлаган Америка Қўшма Штатларига қилган саёҳати натижаларини қизғин табрикламоқдалар.

Ўтган бир йил жаҳон прогрессив ёзувчилари янада жипслашган йил бўлди. Тошкент конференцияси гояларига содиқ бўлган Ўзбекистон ёзувчилари барча мамлакатларнинг адабиёт аҳллари билан интернационал алоқаларни кучайтирмоқдалар. Улар ўз ижодий фаолиятлари билан мамлакатимизда кенг авж олдирилган коммунистик қурилиш вазифасини муваффақиятли равишда ҳал қилиш, совет халқлари ўртасидаги биродарлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилмоқдалар. Бунинг ёрқин далили Ўзбекистонда бошланган қардош адабиётлар кечаларидир.

Кеча қатнашчилари совет ёзувчисининг олижаноб бурчи халқнинг орзу-ўйларини ифода қилишдан, бутун дунёда тинчлик учун жанговар кураш олиб боришдан иборатдир, деган сўзларини олқишлар билан кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

# Қардош халқ адиблари билан учрашувлар

Қардош украин халкининг республикамизга меҳмон бўлиб келган ёзувчилари 5 кундан буён халқимизнинг ҳаёти билан танишмоқдалар, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ишларини бориб кўрмоқдалар, ижодий ташкилотларда бўлиб, адабий кечалар ўтказмоқдалар.

Шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон ёзувчилар союзида ўтказилди. Украиналик қаламкаш дўстлар Тошкент ёзувчилари билан учрашдилар. Кечада украиналик ёзувчилардан Петр Козлзнюк, Иван Ле, Николай Ушаков, Игорь Муратов, Дмитро Белоус ва Дмитро Павличколар украина адабиётининг ҳозирги аҳволи, украин ёзувчиларининг ижодий ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Кечада қардош адабиёт вакиллари ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш, актуал темалардаги асарларни ёзиш ва таржима ишларини бундан кейин ҳам кучайтириш ҳақида дўстона фикр олишдилар.

Украиналик ёзувчилар республикамизнинг ҳаёти билан танишишни давом эттириб, улар Чирчиқ шаҳрининг корхоналарини бориб кўрдилар, ишчилар билан учрашдилар, уларга ўз ижодий планлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари Украинадан келган ёзувчиларни самимий кутиб олдилар. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Матқобулов меҳмонларни колхозчилар номидан табриклаб, уларга колхоз ҳаёти ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар колхоз тасвирий санъат музейини, мактаб-интернатни, болалар яслисини, колхоз фермасини бориб кўрдилар. Украиналик ёзувчилар колхоз пахтакорларининг ишини зўр қизиқиш билан кузатдилар. Улар далаларда етиштирилган мўл «оқ олтин»нинг йиғиб-териб олинниши билан танишдилар, машина билан пахта терилишини завқ билан тамоша қилдилар, кўпмингкилограммчи теримчилар билан суҳбатлашдилар. Меҳмонлар колхозчиларга бу катта коллектив хўжалик ҳаётидан олган катта таассуротларини ва келажакда бу учрашув ҳақида асарлар ёзишларини айтдилар. Колхозчилар уларга янги ижодий муваффақиятлар тилаб қолдилар.

Украиналик ёзувчилар Тошкент областининг саноат корхоналари ва пахта далаларида бўлганларидан кейин, Самарқанд областига жўнаб кетдилар.

Ўзбек китобхонлари қардош украин халқининг қаламкаш вакилларини ҳамма ерда зўр қувонч билан кутиб олмоқдалар, уларни ўз ишлари билан таништирмоқдалар. Украина ёзувчилари билан ўтказилаётган адабий-ижодий учрашувлар икки қардош халқ—украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин намойишига айланмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## Абдулла Даминов ишдан бўшатилди

**Газетамизнинг шу йил 23 август сонида «Уртўқмоқ»қа телеграммалар сарлавҳаси остида берилган хабарларнинг бирида Сирдарё район матлубот жамиятининг Охунбобоев номли колхоздаги 7-сон магазин мудири Абдулла Даминовнинг совет савдоси қоидаларига хилоф равишда иш тутаётганлиги танқид қилинган эди.**

**Район матлубот жамияти союзи правлениеси раиси ўртоқ Ракитернинг редакцияга маълум қилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. А. Даминов совет савдоси қоидаларини бузгани учун ишдан бўшатилган. Магазин мудирлиги вазифасига шу ишга лаёқатли бўлган янги ходим тайинланган.**

## „Бемаза таомлар"

**Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 16 август сонида босилган танқидий хабарда «Дружба» совхозининг ишчилар кооперативига қарашли 1-ошхонада овқатларнинг сифатсиз тайёрланаётгани, ошхона ходимларининг хўрандалар ҳақига хиёнат қилаётганликлари тўғрисида ёзилган эди.**

**Хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:**

**«Хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди.**

**Рабкооп правлениесининг қарори билан ошхона мудири А. Йўлаҳшиев қаттиқ огоҳлантирилди. Шеф повар Л. Швецова ва буфетчи А. Саидбековлар ишдан бўшатилди.**

**Совхоз ишчиларига хизмат кўрсатиш ишини яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар кўрилди.**

**Рабкооп правлениесининг раиси:**

**И. ЁҚУБОВ.**

# *Руминия-Совет дўстлиги ойлиги*

БУХАРЕСТ, 7 октябрь. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасида бугун Руминия — Совет дўстлиги ойлиги бошланди. Кеча Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар Руминия жамияти (АРЛУС) бош кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда ойликни ўтказиш плани муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Планда Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг етти йиллик планни амалга оширишда эришган муваффақиятларини, совет фани ва техникаси эришган гоят катта муваффақиятларни, СССРнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, халқаро муносабатларни юмшатиш учун олиб бораётган курашини ҳар тарафлама оммалаштириш кўзда тутилади.

Руминия — Совет дўстлиги уйларида, маданият уйларида, клубларда, мактабларда, ҳарбий қисмларда лекциялар ўқилади, симпозиумлар ўтказилади, виставкалар очилади, адабиёт ва музика кечалари ҳамда СССРда халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятларга бағишланган бошқа тадбирлар ўтказилади. Ойлик вақтида совет фильмлар фестивали, совет китоби ҳафтаси, совет спектаклари ва музикаси ҳафталиги ўтказилади. Айни шу вақтда СССР дўстлари жамият барпо қилинган куннинг 25 йиллиги ва АРЛУСнинг 15 йиллиги нишонланади.

Руминия-Совет дўстлиги ойлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини байрам қилиш билан тугайди.

## Берлинда жуда катта митинг

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС). Бугун Берлинда Германия Демократик Республикаси тузилганлигининг 10 йиллигига бағишланган жуда катта митинг бўлди. Маркс-Энгельс майдони ва бу майдонга туташган Унтер Ден Линден магистрали юз минглаб берлинликлар билан лиқ тўлди. В. Ульбрихт, О. Гротеволь, И. Дикман ҳамда Германия Бирлашган социалистик партиясининг ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, шунингдек чет эл делегацияларининг бошлиқлари, шу жумладан, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов марказий минбарда туриблилар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Катта Берлин округ ташкилотининг биринчи секретари Фернер митингни очиб, берлинликларни қизғин табриклади ва уларни байрам билан қутлади. У, Германия Демократик Республикасининг 10 йиллиги муносабати билан бўлган тантаналарда қатнашмоқ учун 75 мамлакатдан Берлинга делегациялар келганлигини айтди.

Митингдагилар томонидан қизғин равишда кутиб олинган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихт митингда катта нутқ сўзлади.

Сўнгра СССР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов нутқ сўзлаб, Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларини Германия Демократик Республикасининг 10 йиллиги билан қизғин равишда қутлади.

Германия Демократик Республикаси, — деди Ф. Р. Козлов, — ўзининг 10 йиллигини инсоният учун ажойиб бир пайтда нишонламоқда. Урушни ҳалқаро низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш масаласи халқлар ҳаётининг кун тартибига қўйилди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳалқаро кескинликни юмшатишга эришмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев яқинда АҚШ га бориб келди. Бу сафар тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳалқаро хавфсизлик иши учун катта аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа бўлди, деб айтиш мумкин.

Икки буюк давлат раҳбарлари,— деди Козлов, — бартараф бўлмаётган ҳалқаро низоларнинг ҳаммаси куч қўлланиш йўли билан эмас, балки тинч воситалар билан, музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиниши керак, деган фикрга келганликлари тўғрисидаги хабар алоҳида мамнуният билан кутиб олинди.

Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси, — деди Ф. Р. Козлов, — Германия билан сулҳ шартномаси тузилишини ва Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштиришни зўр бериб ва қатъий равишда талаб қилиб келдилар ва талаб қилмоқдалар. Муайян доиралар реваншизм руҳини тикламоқ, Ғарбий Германияни герман халқи учун жиддий оқибатлар келтириб чиқарадиган атом қуроли билан қуроллантирмоқ ва қайта ҳарбийлаштирмоқ учун сулҳ шартномаси йўқлигидан фойдаланмоқдалар.

Кейинги вақтда халқаро кескинлик маълум даражада юмшаганлиги, — деди Ф. Р. Козлов, — Ғарбий Германиянинг ҳукмрон доиралари олдига ё бутунлай «совуқ уруш»га асосланган илгариги сиёсий йўлни давом эттириш ёки турмуш билан бирга қадам ташлаб, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига, бинобарин, герман халқининг ҳам манфаатларига жавоб берадиган реал сиёсат ўтказиш йўлига тушиб олиш масаласини қатъий қилиб қўймоқда. Давлат манфаатларини кўзловчи ақл-идрок устунлик қилур ва Ғарбий Германияда ўз умрини тугатган зўравонлик сиёсатининг уюмлари ва қатламларига ҳотима берилур, деб таъкидлади.

Германия Демократик Республикасининг таклифларига ҳолисона ва хушёрлик билан баҳо бериш бу йўлда қўйилган биринчи қадам бўла олур эди.

Сўнгра Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торезга сўз берилади. У, Франция Коммунистик партияси ва ишчилар синфи номидан Берлин аҳолисини қутлаб, уларнинг саломини топширади.

Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Эрих Корренс митингдагиларга қарата нутқ сўзлади. Биз,— деди у, — Германиянинг истиқболи социализм, шунингдек тинчлик ва ватанни севувчи меҳнаткашлар эканлигини биламиз.

Э. Корренс Берлин аҳолисига мурожаат қилиб, Демократик Германия Миллий фронтида тағин ҳам маҳкам жипслашишга чақирди.

Митинг Германия Демократик Республикасининг гимнини айтиш билан тугади.

## АҚШ давлат секретарининг матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН, 7 октябрь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари К. Гертер кеча матбуот конференциясида СССР Министрлар Совети раисининг АҚШ га қилган сафарини шарҳлаб дедики, умуман Н. С. Хрушчевнинг сафари ҳам, шунингдек Кэмп Дэвидда Н. С. Хрушчев билан Д. Эйзенхауэр ўртасида бўлган фикр олишувлар ҳам, сафарнинг бевосита натижаларига қараганда, ижобий аҳамиятга эга бўлди. Гертер дедики, бу сафар ва Кэмп Дэвиддаги суҳбатлар ҳалқаро вазиятдаги кескинликни бирмунча даражада юмшатишга ёрдам берди. Гертернинг сўзига қараганда, Кэмп Дэвиддаги суҳбатларнинг ижобий аҳамияти яна шундан иборат бўлдики ,бу суҳбатлар Берлин масаласини муҳокама қилиш вазиятини енгиллаштирди.

Н. С. Хрушчев АҚШ га қилган сафарининг яна бундан буёнги оқибатларига келганда, — деб давом қилди давлат секретари, — бу оқибатларнинг қандай бўлишини фақат вақтнинг ўзи кўрсатиб бериши мумкин. Гертер бу масалада ўзининг оптимистик позицияда турмоқчи бўлганлигини айтди.

Гертер Н. С. Хрушчевнинг Хитойга қилган сафарини шарҳлаб АҚШ СССР Министрлар Совети Раисининг, низоли масалалар куч билан ҳал қилинмаслиги лозим, деб айтган гапларига «қизиқиб» қараётганлигини ўқтириб бу гапларнинг «маълум даражада самимийлигини» қайд қилиб ўтди.

Бугун „ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" газетасида

Газетанинг биринчи бетидаги материаллар асосан пахта йиғим-теримига бағишланган. Пахта нобудгарчилигига қарши кураш темасига бағишланган бошмақола ҳам шу бетдан ўрин олган.

Иккинчи бетда «Партия турмуши» рубрикаси остида В. Поповнинг Чирчиқ шаҳридан ёзиб юборган танқидий материали босиб чиқарилган. Шунингдек, бу бетда «Матбуот обзори», «Ишчи мухбирлари таклиф қиладилар...» рубрикалари остида қизиқарли материаллар бор.

Учинчи бетдаги материаллар маърифатпарвар ва демократ шоир Фурқатнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган.

Тўртинчи бетда областимиз ҳаётига оид кўпгина қизиқарли ва мазмунли корреспонденция ҳамда хабарларни ўқиш мумкин.

## Газеталар обуначиларга ўз вақтида берилсин

Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхознинг кўпгина аъзоси республика, область ва район газеталарига обуна бўлган. Улар газеталарга бир йилга ёзилганлар. Лекин колхозимизда обуначиларга маданий хизмат кўрсатиш ёмон йўлга қўйилган. Колхознинг узоқ бригадаларидаги, ҳатто марказий участкасидаги обуначилар ҳам ёзилган газета ва журналларни ўз вақтида ололмай сарсон бўлиб юрибдилар.

Бизда газета-журналларни тарқатиш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Партия ташкилоти бу иш билан фақат обуна қабул қилиш вақтидагина қизиқади, холос. Шунинг учун ҳам аҳён-аҳёнда келтирилган газеталар идоранинг ўзидаёқ йўқолиб кетаверади. Мен ўтган ойнинг ўзида «Қизил Ўзбекистон» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарининг ўндан ортиқ сонини олганим йўқ. Газеталар бошқа обуначиларга ҳам ўз вақтида олиб келинмаётир.

Биз колхоз правлениеси ва партия ташкилотидан алоқа ишларини тубдан яхшилашни, обуначиларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўришларини талаб қиламиз.

**Д. ИСҲОҚОВ,**
**обуначи.**

# Цирк артистлари колхоз саҳнасида

Колхозга Украина давлат цирк артистлари келибди деган хабар бир зумда барча бригадаларга тарқалди. Қош қорайиши билан колхоз клубининг олди гавжумлаша бошлади. Залда джаз-оркестрнинг ўйноқи садоси янграб турибди. Секин-аста бўш ўринлар сийраклашиб, ниҳоят зал тамошабинлар билан лиқ тўлди. Бугун пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчилар, шаҳардан келган ҳашарчилар.

Парда очилиши билан саҳнада пайдо бўлган конферансье украин тилида 3 миллион 50 минг тонна «оқ олтин» учун курашаётган ўзбек пахтакорларига қардош украин халқи номидан қизғин дўстлик саломини топширади. Артистлар коллективи парад маршига жўр бўлиб салом қўшиғини айтишади.

Тамоша бошланиб кетди. Биринчи бўлиб саҳнага ёш артист Нина Ласкова чиқади. У оёғини тик тутган ҳолда икки қўлда туриб, нозик ва мураккаб машқларни усталик билан бажаради. Жонглер Филиппенколарнинг шарларни икки қўлда отиб ўйнашлари, огиздаги найча билан иргитилган шарни илиб олишлари тамошабинларни қойил қилади. Навбат артист А. Марчуковга келади. У ўргатган кучукчалари билан турли қизиқарли номерларни ижро этади.

Кетма-кет, хилма-хил номерлар ижро этилиб, тамоша қизий бошлади. Ёш акробатчи ака-ука Фоменко ва Беловларнинг жуда мураккаб акробатик машқларни моҳирлик билан ижро этишлари залдагиларнинг олқишига сазовар бўлди. Шунингдек, эрхотин Ларионовларнинг гул ва хилма-хил фокс ўйинлари пахтакорларга жуда манзур бўлди.

Сим дор устида ўйновчи эквибрилист Бураковнинг жуда ингичка сим устида эпчиллик билан югуриши, рақсга тушиши тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

Қизиқчи Мусин, Байдин ва Копитларнинг чиқишлари эълон қилинади. Икки қизиқчи ўз ҳамроҳларини узун арқонга боғлаб, зўр бериб саҳна томон тортишади, боғланган киши эса турган жойидан қимирламайди.

— Нимани тортаётибсизлар?

— Колхоз агрономини далага чиқармоқчимиз.

Залда гулдурос кулги кўтарилади.

Бу наби қизиқарли номерлар тамоша программасида анчагина. Артистлар бирин-кетин сатирик ва юмористик қўшиқларни, ишёқмас ва таннозларни аёвсиз танқид қилувчи ўткир пародияларни юксак маҳорат билан ижро этадилар.

Бир неча кундан бери пойтахтимизда ўз гастроль тамошаларини муваффақият билан ўтказаётган украинлик цирк артистларининг ижрочилик маҳорати пахтакорларга ҳам гоят манзур бўлди.

**Н. НАСИМОВ.**
**Бўка районидаги Вильямс номли колхоз.**



Суратда: артист-эквибрилист Бураков сим дор устида.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Телевизор экранида

**9 ОКТЯБРДА**

**19.30. Рус тилида халқаро обзор.**

**19.45. Киножурнал.**

**19.55. Шоир Миртемирнинг ижодига бағишланган адабий эшиттириш.**

**20.25. Сўнгги ахборот.**

**20.45. Кинофильм — «Юз серенада».**

**22.15. «Узбек халқ чалғу асбоблари» деган музикали биринчи эшиттириш.**

**22.40. Врач маслаҳати.**

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

## Тошкентнинг тамоша эшикларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —9/Х да **Маскарад**, 10/Х да **Трубадур**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА —9/Х да **Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти**. Кеч соат 9 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — бугун **Украин давлат цирки артистларининг** ва **Анатолий Шаг аттракцион труппасининг гастроллари**. Кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 яримда **Фурқат**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Тинчликнинг биринчи куни**, кеч 7 ва 9 да кенг экранли фильм **Юхан**.

«ОКТЯБРЬ» — **Муина**.

«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли, «УДАРНИК» — **Поезддан тушган киши**.

«ВАТАН», НАВОИЙ номли (ёзги), ТЕЛЬМАН номли — **Тинчликнинг биринчи куни**.

«9 МАЙ» — **Отасини қидирган қизча**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Поезддан тушган киши**, кеч соат 8 да **Париж чеккасида**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кенг экранли фильм **Юхан**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»— кундуз ва кечқурун **Поезддан тушган киши**, кундуз соат 4 да **Ёшлик йиллари**.

СТЕПАН РАЗИН номли — кеч соат 7·20 минутда **Тинчликнинг биринчи куни**, кеч соат 9 да **Рақс ўқитувчиси**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Поезддан тушган киши**, 2-залда **Кўк ўқ**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

10, 11 октябрда

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқовнинг**

## катта эстрада концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Зайнаб Полвонова, Башорат Хўжаева, Муҳаббат Мусаева, Тўхта Рисметова, Нина Гайерлар** қатнашади.

Халқ чолғу асбоблари оркестри жўр бўлади.

Программани **М. Мусаева** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар театр кассасида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Бу серия рангли 12 та плакатдан иборат бўлиб, обуначиларга 1960 йилнинг биринчи ярмида бир йўла юборилади.

**Серияннинг баҳоси:** юбориш ва жойлаш чиқимлари билан — 40 сўм.

Плакатлар сериясы ўқув юртлари, колхоз, совхоз, клуб, қизил чойхона, тамошаханолар ва республиканинг ҳамма маданий-оқартув ташкилотларида илмий-атеистик пропаганда олиб бориш учун зарур ва фойдали қўлланмадир.

Обуна «Союзпечать» органларида, республика почтахоналарида, шунингдек фабрика, завод, колхоз, совхоз ва ўқув юртларидаги жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади. **Бирлашган нашриёт.**

**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.**